Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 5-iyun, payshanba № 69 (3418)

TOSHKENT 05-06 IYUN 2014

Мамлакатимизда аҳоли дастурхони тўкин-сочинлиги ва бозорларда нарх-наво барқарорлиги кўплаб мамлакатларнинг ҳавасини уйғотмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2011 йил 31 октябрдаги «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари муҳим дастуруламал бўлаётир.

Дастурхонимиз тўкинлиги — фаровон турмушимиз кўзгуси

Мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан Самарқанд вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жомбой туманида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури асосида жорий йилда 29 миллиард 930 миллион сўмлик 96 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Асосан мева-сабзавот, боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ мазкур лойиҳаларнинг 79 таси йилнинг биринчи чорагида ҳаётга татбиқ этилиб, дастлабки ҳаракатлар бошлаб юборилди.

— Бу йил туманимизда чорвачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, 515 миллион сўмлик бешта лойиҳа амалга оширилмоқда, — дейди туман иқтисодиёт бўлими бошлиғи Анвар Суюнов. — Ушбу маблағ ҳисобидан 135 бош наслли қорамол олинди ва йил якунига қадар қўшимча равишда 288 тонна сут, 10 тонна гўшт ишлаб чиқарилади. Балиқчилик йўналишида эса йил бошидан буён тўртта хўжалик ташкил этилиб, 13,5 гектар сунъий сув ҳавзасида маҳсулот етиштириш ўзлаштирилди. Масалан, «Ҳулкар» фермер хўжалиги бир гектар майдонда сунъий ҳавза барпо этиб, балиқчилик фаолиятини йўлга қўйди. Бу ерда оқ амур, сазан, дўнгпешона сингари балиқ навлари парваришланмоқда. Кейинги йилларда туманимизда паррандачилик ҳам ривожланиб бораётир. Бунинг натижасида аҳолининг тухум ва парҳез гўштга бўлган эҳтиёжи қондирилиб, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам буюртмалар олинмоқда. Амалга оширилаётган тўртта лойиҳа бўйича 245 минг бош парранда харид қилиниб, шу йилнинг ўзида 54 тонна гўшт, 18 минг дона тухум ва 200 мингта наслли жўжа тайёрлаш режалаштирилган.

Туманда асаларичиликни ривожлантириш ва аҳолининг бу маҳсулотга бўлган талабини ички имкониятлар эвазига қондиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 110 миллион сўмлик бешта лойиҳа амалга оширилди. Натижада айни кунда туманда қўшимча 150 қути асалари оиласи парвариш қилинаётир. Тадбиркор Шуҳрат Қурбонов ўз маблағи ҳисобидан эллик қути асалари оиласини ташкил этди. Беш нафар маҳалладошини иш билан таъминлади.

Туман аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва бозорда нарх барқарорлигини таъминлашда томорқа хўжалигининг аҳамияти катта. Жомбойнинг унумдор тупроғи, қулай об-ҳавоси ва сув таъминотининг бошқа ҳудудларга нисбатан яхшилиги томорқа эгаларининг ердан унумли фойдаланиб, мўл ҳосил етиштиришига кенг имконият яратади. Бугунги кунда туман аҳолиси ихтиёрида 4 минг 483 гектар шахсий томорқа майдони бор. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда бу майдонлардан 56,7 минг тоннадан зиёд сабзавот, 2 минг 20 тонна полиз маҳсулотлари, қарийб 15 минг тонна картошка, 14 минг тонна атрофида мева, 10,3 минг тонна узум олиш режалаштирилган. Бу дастурхонларимиз тўкинлиги, бозорларимиз ободлиги, энг муҳими, оила учун қўшимча даромад деганидир.

Интенсив боғдорчиликни ривожлантириш борасида ҳам туманда олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Жумладан, кейинги йилларда 1 минг 483 гектар ерда ана шундай боғлар ташкил этилиб, уларнинг ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур йўналишда яна тўртта лойиҳа амалга оширилди ва 568 гектар майдонда янги интенсив боғлар яратилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Истиқлол ғунчалари

Ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, миллий ва маданий анъаналарга ҳурмат туйғуси ҳамда эстетик дидини шакллантириш, ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялашда санъатнинг ўрни бениҳоя муҳим. Маданият муассасаларида фаолият юритаётган болалар бадиий жамоаларидаги иқтидорларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда «Соғлом бола йили» дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2014 йилнинг 9 апрелида ЎзКУФК Раёсатининг «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, ушбу кўрик-танлов уч босқичда ташкил этилди.

Истеъдодларга бой бу ўлка

Илк босқич корхона, ташкилотларга тегишли бўлган маданият муассасаларидаги бадиий жамоалар ўртасида касаба уюшма қўмиталари, ҳудудлардаги мавжуд маданият муассасалари бадиий жамоалари ўртасида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари томонидан, иккинчи босқич касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари томонидан уюшқоқлик билан ўтказилди.

Уларда 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёш санъат ихлосмандлари олти йўналишда бир-биридан гўзал чиқиш ва жозибали ижролари билан ўз истеъдодларини намойиш этишди. Ҳар иккала босқичдан ҳам муваффақиятли ўтиб, ғолибликни қўлга киритганлар якуний республика минтақавий босқичига етиб келишди.

Бу босқич тўртта ҳудудда ташкил этилди.

«АЛБАТТА, САНЪАТКОР БЎЛАМАН»

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Металлург» маданият саройи ҳар галгидан-да гавжум.

— Истеъдодларни саралаётган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови ўзининг сўнгги босқичига етди, — дейди ЎзКУФК бўлим мудири Лола Холмўминова. — Биринчи ва иккинчи босқичларда жойлардаги 300 га яқин маданият муассасаларида санъат сирларини эгаллаётган 12,5 минг нафардан зиёд иқтидорли ёшлар иштирок этди. Олмалиқда ўтаётган якуний республика минтақавий босқичида эса Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимиздан ташриф буюрган 150 нафардан зиёд болалар қатнашяпти.

(Давоми 2-саҳифада).

КАТАЛОГЛАР КЎРГАЗМАСИ

Наманганда маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи компаниялар каталоглари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган тадбиркорлар, фермерлар, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Кўргазмада Хитойнинг «KMD» (гўшт ва брусчатка), «Viniks» (озиқ-овқат саноати), «Technointerfinance» (нон ва қандолат маҳсулотлари), «Tiguan» (қишлоқ хўжалиги техникалари), «Ливадия Бухара» (мевани қуритиш ускуналари), «Azia techno progress» (барча турдаги технологиялар), «Эл холдинг» ҳамда хорижий технологияларни олиб кириш, уларни молиялаштириш бўйича Ўзбекистон Банклар уюшмаси, «Ўзбек Лизинг Интернешнл», Ўзбекистон-Хитой савдо уйи ва «ITE-Uzbekistan» каби қатор маҳаллий ва хорижий компаниялар ўзларининг каталоглари билан иштирок этди.

ЎзА

Байрам шукуҳи

Меҳр-эътибор оғушида

Пойтахтимиздаги 40-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Ҳар бир болага меҳр-эътибор» шиори остида тадбир бўлиб ўтди. «Кўҳна Чўпон ота» МФЙ билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирга 62-мактаб ва 252-мактабгача таълим муассасаси ўғил-қизлари ҳам таклиф этилди.

— Байрамдан кўзланган мақсад болажонларнинг кўнглига қувонч улашиш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, келажакдаги орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришда ёрдам бериш, қолаверса, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат, — дейди 40-БЎСМ директори Қ.Турғунов. — Келажагимиз эгалари учун юртимизда барча имконият, шарт-шароит муҳайё.

Ўғил-қизларнинг ажойиб рақслари, куй-қўшиқлари, кўргазмали чиқишлари байрамга ўзгача файз киритди.

Шундан сўнг 1-4-синф қизлари ўртасида «Арқондан сакраш», «Узунликка сакраш», 5-7-синф ўғил болалари ўртасида «Узунликка сакраш» ва «Турникда тортилиш» мусобақалари ўтказилди.

— Болажонлар хурсандчилигини кўриб дилингиз яйрайди. Улар томонидан ижро этилаётган куй-қўшиқлар, рақслар кишини мафтун этади, — дейди «Кўҳна Чўпон ота» МФЙ раиси М.Деканов. — Дуркун ўғил-қизларимизга қараб туриб, Ватанимиз келажаги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан, киши.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Ёшлар — юртимиз келажаги

Юртимиз истиқболи фарзандларимизнинг улғайиб, ҳаётда ўз ўрнини топиши билан бевосита боғлиқдир. Олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ушбу ҳужжатлар асосида амалга оширилаётган 9+3 тизими йўналишида таълимнинг мажбурийлиги ва давомийлиги юқори самара бермоқда. Чунончи, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшлар 3 йиллик ўрта махсус маълумот билан бирга танлаган соҳаси ва касбининг малакали мутахассиси бўлиб етишмоқда ҳамда корхона, ташкилот, муассасада ёки хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолиятларини давом эттирмоқда. Бухоро вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Аслиддин Низомов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

Битирувчиларнинг иши тайин

— Мамлакатимизда ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг исботини вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги мавжуд 80 та таълим муассасасининг 24459 нафар битирувчисидан 20403 нафари ёки 83,4 фоизининг бандлиги таъминланди. Битирувчилардан 1046 нафари хорижий ва республикамиздаги олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда. Қолганлари уч томонлама шартнома асосида корхона, ташкилот, муассаса ва хусусий тадбиркорлик субъектларида барқарор иш ўринларига эга бўлишди.

2013-2014 ўқув йилида эса вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини 104 мутахассислик бўйича 26666 нафар ўқувчи (шундан 13309 нафари қизлар) битиради. Битирувчиларнинг манзилли маълумотлар базаси 2011 йилда марказ томонидан ташкил қилинган ACCESS электрон база дастурида тўлиқ шакллантирилди. Шу билан бирга, барча касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг манзилли паспортлари тайёрланди. Олдинги йиллар тажрибаларидан келиб чиқиб Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги «2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»ги 1-сонли мажлис қарори, 2014 йил 17 февралдаги фармойишида белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг амалиётларини сифатли ташкил қилиш ва уларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқарма томонидан ҳудудлардан олинган маълумотларга асосан жами 26666 нафар битирувчидан 26061 нафари (97,7 фоизи) билан 12 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўртасида уч томонлама шартномалар тузилди.

Шартномаларни имзолашда битирувчиларнинг кейинчалик ўз мутахассислиги бўйича барқарор иш ўринлари билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги вақтга келиб 80 та касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг барчаси дипломолди ишлаб чиқариш амалиётларини ўтаб келмоқда. Ташкил қилинган тизим доирасидаги тажрибадан келиб чиқиб, жорий йилда ҳам вилоятдаги тижорат банклари ҳамда МТПларида амалиёт ўтайдиган касб-ҳунар коллежларининг 3-босқич битирувчи ўқувчиларига мазкур корхоналар томонидан бир маҳал бепул иссиқ овқат ҳамда 75 минг сўмдан ойлик стипендиялар бериб келинмоқда.

Бундан ташқари, «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар корхонаси ва «Бухоро нефтгазпармалаш» ОАЖда Бухоро нефт ва газ саноати ҳамда Қоровулбозор саноат касб-ҳунар коллежлари амалиётчилари махсус кийим-бош, бир маҳал иссиқ овқат, 200 минг сўм миқдоридаги ойлик маош билан таъминланди.

Шунингдек, Бухоро қурилиш ва миллий ҳунармандчилик, Бухоро политехника ҳамда Когон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларининг амалиёт ўтаётган бир гуруҳ ўқувчиларига «Бухоро механика-таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти томонидан махсус кийим-бош ажратилиб, бепул иссиқ овқат ҳамда 100 минг сўм миқдорида ойлик маош бериляпти.

Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш ишларини тартибга солиш мақсадида вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иқтисодиёт бош бошқармалари билан ҳамкорликда ҳар бир туман, шаҳар кесимида коллеж битирувчиларини, кейинчалик эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ ташкилотларга — иш берувчиларга бириктиришга доир манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг манзилли маълумотлари асосида ҳудудларда вилоят иқтисодиёт, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, касб-ҳунар коллежлари билан биргаликда ишчи гуруҳи штабини тузиб, жорий йилда вилоятда яратиладиган 18238 та квоталанган иш ўрни ҳамда янги яратиладиган иш жойларига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга қабул қилиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда касаба уюшма ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Амалдаги қарор ва кўрсатмаларга мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида қурилиш ва транспорт соҳасида тайёрланаётган кадрларни келгусида манзилли иш ўринларига эга бўлишларини таъминлаш мақсадида касб-ҳунар коллежларининг «Қурилиш мутахассисликлари» бўйича таҳсил олаётган битирувчилари бандлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қурилиш йўналиши бўйича 32 та касб-ҳунар коллежини битирадиган 2385 нафар ўқувчи уч томонлама шартномалар асосида 90 та корхона ва ташкилотга бириктирилди.

(Давоми 3-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Мамлакатимиз банклари томонидан юртимиз иқтисодиёти юксалиши, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишлар эътиборга лойиқ.

ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

«Микрокредитбанк»нинг Сирдарё шаҳар филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 59 миллион 845 минг сўмлик истеъмол, 4 млн. 137 минг сўмлик таълим кредити ажратилди. Якка тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида 94 миллион 900 минг сўмлик кредит билан таъминланди. Фермер хўжаликлари ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида мос равишда 414 миллион ва 184 миллион 100 минг сўмлик молиявий кўмак кўрсатилди.

Аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида уларга 126 миллион 800 минг сўмлик кредит берилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун 280 миллион, қишлоқ жойларда намунали уй-жойлар қурилиши учун 126 миллион 800 минг сўмлик кредит ажратилди.

Ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Ўз мухбиримиз

ЖИЗЗАХ

Жиззахда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда маркетинг хизматининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Бўлиб ўтган саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси буни яна бир карра тасдиқлади. Унда вилоятдаги 200 та корхона аккумулятор батареялари, мебел, қурилиш материаллари, томёпгич, пластмасса сингари уч юз турдаги маҳсулотлари билан қатнашди.

ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯСИ

Таъкидлаш жоизки, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес улуши саксон фоиздан ортмоқда. Бунда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 26 тага етиб, уларнинг қуввати 180 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Тадбир иштирокчилари ўзаро манфаатли шартномаларни имзолаш баробарида кооперацион алоқаларни янада мустаҳкамлаш, келгусида бундан-да истиқболли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишга келишиб олишди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Нукус кўркам ва обод шаҳарга айланиб бормоқда. Намунавий лойиҳалар асосида бўй кўрсатаётган кўпқаватли уйлар, маданий-маиший объектлар кўрган кўзни қувонтириб, кўнгилларга завқ бағишлайди. Айниқса, шаҳарнинг шарқий тарафида бунёд этилган «Истиқлол» болалар дам олиш маркази бугун ҳар қачонгидан гавжум. Ота-оналари билан ташриф буюрган жажжи болажонлар, устоз ва мураббийлари билан сайрга чиққан ўқувчилар хурсандчилигининг чеки йўқ.

КЎНГИЛЛАРГА ЗАВҚ УЛАШИБ

— 13,5 гектар майдонни эгаллаб ётган ташландиқ жойда болалар дам олиш маркази бунёд этилди, — дейди марказ директори Ажимурат Сейтназаров. — Ҳудуднинг 7,1 гектар ерига ҳар хил манзарали дарахтлар ва гуллар экилган. Болажонларимиз мириқиб дам олиши учун бу ерда барча шароитлар мавжуд.

Тарихий шаҳарларимизнинг 40 баробар кичрайтирилган макетларини ўзида мужассам этган осмон остидаги очиқ музей, 380 нафар бола машғулот ўтказадиган гимнастика саройи, 370 ўринли осмон остидаги очиқ театр, теннис корти, мини футбол, волейбол, миллий ўйинлар ўтказиш майдончалари, 2 та чўмилиш бассейнни, болалар ўйнаш заллари, автодром, каруселлар билан қуватиш майдончалари ёшлар ихтиёрида. Бундан ташқари, ҳар хил салқин ичимликлар ва музқаймоқлар билан савдо қиладиган дўкончалар ва чойхоналар хизмат кўрсатаётир.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан бу ерда ҳар хил қизиқарли тадбирлар, қўғирчоқ театри ва эл суйган санъаткорларнинг чиқишлари ташкил этилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Истиқлол
ҒУНЧАЛАРИ

Ishonch
2014-yil 5-iyun № 69 (3418)

ПАРВОЗ БУНДАН-ДА ЮКСАК БЎЛСИН!

Санъатсевар ўғил-қизлар ўртасида ташкил этилган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови минглаб жажжи қалб эгалари ҳаётида ўчмас из қолдиргани билан аҳамиятли бўлди. Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтган танловнинг якуний республика минтақавий босқичида иштирокчилар кўзидаги қувонч ва шижоатдан, ижродаги маҳорат ва интилишдан, тилларга кўчган фахр, ифтихор ва ҳаяжондан шундай хулосага келдик.

Келинг, ёш ижрочиларнинг дил сўзларига қулоқ тутамиз.

Гулбаданбегим Баҳронова, Қашқадарё вилояти:

— Китоб туманидаги 4-умумтаълим мактабининг 3-синфини тугатдим. Рақс санъатига қизиқаман. «Бешик», «Лазги», «Элим», «Ажойиб юрт» рақсларини севиб ижро этаман. Ҳар бир қатнашчининг танловга астойдил ҳозирлик кўргани сезилиб турибди. Бугунги кўрик мени устозим Гулчеҳра опа Ҳабибуллаева билан ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ундайди.

Жонибек Мажидов, Сурхондарё вилояти:

— Танловда анъанавий ижрочилик йўналишида иккинчи ўрин соҳиби бўлдим. Мураббийим Ҳаким Каримовдан мусиқа сабоқларини олиб, устоз санъаткорлар Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Орифхон Ҳотамов ва бошқаларнинг ўлмас қўшиқларини ижро этиб келяпман. Келажакда санъат коллежида ўқиш ва шу йўналишда олий ўқув юртида таҳсил олишни мақсад қилганман.

Суҳбатдошларимизнинг сўзларидан мутаассир бўлиб, қалби бир олам орзуларга тўла истеъдод эгаларининг парвози бундан-да юксак бўлишини тиладик.

Санъатсеварлар баҳсида анъанавий ижрочиликда Камолиддин Шодмонов (Қашқадарё), эстрада йўналишида Бахтиёр Неъматов (Сурхондарё), якка чолғуда Азиза Зиёдуллаева (Самарқанд), ансамбл чолғу ижрочилигида «Таманно» гуруҳи (Сурхондарё), якка рақсда Сайёра Шодиева (Сурхондарё), жамоа рақсида «Мерос» гуруҳи (Қашқадарё) биринчи бўлишди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Гулчеҳра Жўраева, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов ҳамда Қашқадарё вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Январ Пўлатов сўзга чиқиб, ёш авлод вакилларини санъат ва ижоддаги ютуқлари билан қутлашди. Эртамиз эгаларининг порлоқ келажак кутаётгани, бунинг учун тинимсиз ўқиш ва ўрганиш зарурлиги, мустақил Ватанимизда ёшлар камолоти йўлида барча шароитлар муҳайё қилинганлигини эътироф этишди.

Истеъдодларга бой бу ўлка

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Иштирокчиларнинг чеҳрасида ҳаяжон. Ахир ғолибликка бир қадам қолди-да.

— Бекобод шаҳридаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабининг 4-синфида ўқийман, — дейди Самарқанд Умарқулов. — «Зарб» дастамиз бир неча йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Аъзоларимиз 70 кишидан иборат. Албатта, бор маҳоратимизни намойиш этишга ҳаракат қиламиз.

— Касаба уюшма ташкилотлари тизимидаги маданият муассасаларимиздан 26 нафар бола иштирок этяпти, — дейди Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Хайрулло Аминов. — Улар, албатта, ишончни оқлайди.

Иштирокчиларнинг ҳар бир чиқиши нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан холисона баҳолаб борилди. Якунда анъанавий ижрочиликда Шаҳзод Абдиқулов (Тошкент вилояти), якка чолғуда Муқаддас Шукуржонова (Тошкент вилояти), якка рақсда Райҳон Тошкенбоева (Тошкент вилояти), ансамбл чолғу ижрочилигида «Зарб» доирачилар ансамбли (Тошкент вилояти), эстрада қўшиқчилигида Ҳожиакбар Тожибоев ва Жавоҳир Исломов (Жиззах вилояти), жамоа рақсида «Шаҳноз» рақс жамоаси (Тошкент вилояти) ғолибликни қўлга киритди.

— Ҳаяжонимнинг чеки йўқ, — дейди Жавоҳир Исломов. — Кўрик-танловда эришилган натижа бизларга қанот бағишлади. Албатта, санъаткор бўламан, деган ниятни дилимга тугиб қўйдим.

— Олмалиқ шаҳридаги болалар шифохонасида доришунос бўлиб ишлайман, — дейди томошабин Ҳилола Жумаева. — 3 нафар фарзандим бор. Ширин-шакар ўғил-қизларнинг чиқишларини кўриб, тасаннолар айтмоқдаман. Фарзандларимдан бирини санъат йўналишидаги тўгаракка аъзо қилдириш нияти пайдо бўлди.

Танлов якунида «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ҳамда мактаб ўқувчилари учун гала-концерт ташкил этилди.

«ШИРИН»ДАГИ ШИРИН ЛАҲЗАЛАР

Замонавий ва кўркам бинолар, сўлимсафо боғ-у гулзорлар ўзига хос тароват бахш этган Навоий вилоятида олис йўл босиб, танловнинг якуний босқичига ошиққан Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоронинг ёш санъатсеварлари катта эҳтиром билан кутиб олинди. Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Навоий шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, қадимий осори атиқалари билан яқиндан танишиб, Марказий боғ ҳудудидаги буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

...«Навоийазот» ОАЖ тасарруфидаги «Ширин» маданият саройидан чор тарафга карнай-сурнай садолари тарала бошлади. Турли чорловчи шиорлар ва рангин гуллар оғушидаги муассаса янада жозибали кўриниш олди. Ниҳоят муросасиз беллашувлар бошланди. Федерация Кенгаши вакиллари ҳамда таниқли мутахассислар ҳисобидан шакллантирилган ҳакамлар ҳайъати ёшларнинг ҳар бир чиқишини, ижро маҳоратини бир-бир баҳолаб боришди.

Шаҳардаги «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, Конимех туман марказида жойлашган 25-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳамда мактаб ўқувчилари учун кўрик-танлов ғолиб ва совриндорлари иштирокида гала концерт намойиш этилди.

Гала концерт олдидан кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими тантанали тарзда ўтказилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Эътиборхон Раҳмонова, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Тоғаева ва ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари ҳозир бўлди.

— Ушбу лаҳзаларда ниҳоятда кўтаринкилик сезилиб турибди, — деди Федерация Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Санъатсевар ёшларнинг она Ватанни, мамлакатимиздаги тинчлик ва ободликни, бахтиёр болаликни мадҳ этувчи сара репертуарларидан баҳраманд бўлиб, беихтиёр тўлқинланиб кетасан, киши.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, анъанавий ижрочиликда 1-ўринни Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги «Қирқ қиз» дуторчилар халқ бадиий жамоаси вакили Камолиддин Бейсенбаев қўлга киритди. Якка чолғуда Хоразм вилояти Хонқа туманидаги маданият уйининг «Соғлом авлод» болалар жамоаси иштирокчиси Дастагул Отабоевага тенг келадиган бўлмади. Якка рақсда мутлақ ғолиблик мезбон вилоятдаги «Ширин» маданият саройи бадиий жамоаси вакили Сабина Аҳмадовага насиб этди. Ансамбл чолғу ижрочилиги йўналишида Хива тумани маданият уйининг «Навозанда» болалар жамоаси ижроси эътироф этилди. Эстрада қўшиқчилигида НКМКга қарашли «Фарҳод» маданият саройи қошидаги «Современник» халқ бадиий жамоаси қатнашчиси Мафтуна Тўраева, жамоа рақсида Навоий вилоятидаги «Ширин» маданият саройининг «Дўстлик» рақс дастаси жамоасига устунлик берилди.

— Шунча йўл босиб, дўстлар орттириб, катта саҳнага чиқишимизнинг ўзиёқ катта ғалаба, — дейди Нукус шаҳар маданият уйи «Арулар» халқ бадиий жамоаси балетмейстери Гулзор Отенова.

Сайёра Шодиева, Сурхондарё вилояти:

— Келажакда балетмейстр бўлмоқчиман. Танловда Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидан саралланган тенгдошларим билан мусобақалашиб ҳам тажриба, ҳам дўстлар орттирдим. Қарши шаҳрининг тарихий обидалари, замонавий иншоотлари катта таассурот қолдирди.

Моҳинур Ирискулова, Самарқанд вилояти:

— Пахтачи туманиданман. «Ҳумор ниҳоллари» дуторчи қизлар дастамиз кўрик-танловнинг Самарқанд вилоят босқичида ғолиб бўлганди. Бу гал қўшни вилоятлардаги санъат шайдолари баҳсларга қўшилди ҳамда жамоамизга фахрли иккинчи ўрин насиб этди.

Кўрик-танлов якунида «Меҳрибонлик» уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчилари учун гала концерт тақдим этилиши ва жамоамизнинг унда иштирок этганидан жуда хурсандмиз. Ниятимиз — мўътабар ва муҳташам саҳналардан туриб, истеъдодимизни намойиш этиш ва санъат ихлосмандлари олқишини олиш...

Мирали Аллаёров, Қашқадарё вилояти, мусиқа фани ўқитувчиси:

— Миришкор туманидаги 2-мактабда ишлайман. Мактабимизда ташкил этилган «Ҳилол» фолклор дастаси кўплаб кўрик-танловларда қатнашиб келади. Бу галги санъат анжуманининг шукуҳи ўзгача бўлди. Кўрик-танлов ташкилотчилари уни тўртта минтақага бўлган ҳолда ташкил этиб, иштирокчиларга ўз маҳоратини тўлақонли кўрсатиш учун катта имконият яратишди.

Танловда шогирдим Гулруҳ Тўраева эстрада йўналишида совриндор бўлди. Биз концерт дастури видеоёзувини мактабимизда намойиш этамиз ва ўйлайманки, иштирокчиларнинг гўзал чиқишлари яна ўнлаб, юзлаб болаларни санъатга жалб этади...

Азиза Зиёдуллаева, Самарқанд вилояти:

— Най чалиш жон-у дилим. Буни дадамдан ўрганганман. Ушбу кўрик-танлов ҳамда гала-концертда «Ёввойи ушшоқ» ва «Субҳидам» куйларини чалдим. Қарши шаҳрининг маданият ва истироҳат боғлари ҳамда тарихий зиёратгоҳларини томоша қилдик. Қолаверса, танловда ғолиб бўлганим менга илҳом беради. Ниятим — халқаро мусиқа фестивалларида ҳам қатнашиб, ғолиб бўлиш...

ҚАЛБ СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

Куй-қўшиқ, рақс ҳеч қачон таржимага эҳтиёж сезмайди. Қалбдан қалбга оқиб кирувчи бу мўъжиза қайси тилда бўлмасин, кўнгилга қувват, ором бахш этади. Фарғона шаҳридаги «Нефтчи» маданият саройида ўтказилган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танловининг якуний республика минтақавий босқичида бунга яна бир бор амин бўлдик.

Беғубор болалик нафаси ҳукмронлик қилган, ўзига хос болалар санъат байрамига айланган мазкур танлов иштирокчилари иқтидорига нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳо бериб борди. Уларнинг якуний хулосаларига кўра, Наманган вилояти Норин тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази қатнашчиси Асрорбек Абдуҳамидов «Доғман» номли ашуласи билан анъанавий ижрочиликда, эстрада қўшиқчилигида Сарварбек Фозилжонов (Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Марказий маданият уйи) ҳамда Муслима Мирзаева (Андижон вилояти, Олтинкўл тумани маданият уйи), якка чолғуда Фарғона вилоят Олтиариқ ёқилғи ишлаб чиқариш корхонаси маданият уйи қатнашчиси Ҳаётхон Юсуфжонова, якка рақсда Андижон вилояти Хўжаобод тумани маданият маркази қошидаги «Гулсанам» болалар рақс жамоаси аъзоси Ҳуснида Толипова, ансамбл чолғу ижрочилигида Наманган вилояти, Чуст тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги «Парвоз» гуруҳи, жамоа рақсида Фарғона вилояти, «Кимёгар» маданият саройи қошидаги «Аср» рақс дастаси ғолибликни қўлга киритишди.

— Бугунги танловнинг юқори даражада ташкил этилганини эътироф этмай иложимиз йўқ. Қизғин баҳслар натижасига кўра, 7 ёшли шогирдим Ҳуснидабону якка рақс ижрочилиги йўналишида ғолиб бўлди, — дейди Андижон вилояти, Хўжаобод тумани марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги «Армуғон» ашула ва рақс дастаси рақс устаси Муаттархон Мадраҳимова. — Касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғломлаштириш йўлидаги ҳаракатлари бизни ҳамиша қувонтирган. Бу борада, айниқса, бугунгидек санъат байрамлари катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ўтган йили «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танловининг республика босқичида жамоа рақси ижрочилиги бўйича «Қалдирғоч» рақс жамоамиз билан мутлақ ғолибликни қўлга киритган эдик. Бу йил эса бизга муваффақиятларни мустаҳкамлашимизда Ҳуснидабонунинг иқтидори кўмакка келди.

— Иқтидор эътибор ва рағбатдан қувват олади, — дейди Наманган вилояти, Норин туманидаги Ҳаққулобод тиббиёт коллежи ўқитувчиси Райҳона Турдибоева. — Бугун фарзандим Асрорбек анъанавий ижрочиликда ғолиб деб топилди. Унинг муваффақияти она сифатида мени жуда тўлқинлантирди. Мумтоз қўшиқларга меҳри бўлакча бўлган ўғлим туманимиздаги маданият ва аҳоли дам олиш марказида қўшиқчилик сирларини ўрганиб келмоқда. Унинг ошуфта кўнгли бугун тоғдек кўтарилганидан бахтиёрман. Тилагим, барча оналар мен каби бахт таъмини туюшсин. Бизга шундай қувонч улашаётган касаба уюшма ташкилотлари фаолияти эса ҳамиша самарадор бўлаверсин.

Танлов якунида «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ҳамда мактаб ўқувчилари учун гала концерт ташкил этилди.

Тадбирда Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раис ўринбосари Валишер Азизов, ЎзКУФК санатор-курортлар бошқармаси маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси Маҳмуда Мурзаева, Наманган вилоят КУТБ кенгаши раиси З.Маҳкамова иштирок этди.

* * *

Кўрик-танловнинг якуний республика минтақавий босқичи ғолиблари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ҳа, Ўзбекистон аталмиш азиз диёр истеъдодларга бой. Фақат уларни аниқлаб, қўллаб-қувватлаб, иқтидори рўёбига замин яратсак, келажакда улардан етук санъаткорлар етишиб чиқиши шубҳасиз. Мазкур кўрик-танлов бунинг ёрқин исботи бўлди, десак асло адашмаган бўламиз.

Ўз мухбирларимиз.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар



Битирувчиларнинг иши тайин

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қурилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари махсус кийим-бош, бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланиб, энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида рағбатлантириб келинмоқда. Битирувчилар дипломолди ишлаб чиқариш амалиётини ўтаганидан кейин шу корхона, ташкилотлардаги бўш иш ўринларига жойлаштирилиши режалаштирилган. Уларнинг айримларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан ҳамкорликда ҳозирга қадар 500 дан ортиқ ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 2 мингдан ортиқ коллеж битирувчилари тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдиришди. Мазкур битирувчиларнинг ҳар бирига касб-ҳунар коллежлари томонидан иқтисодиёт ва тадбиркорлик ҳамда бизнес асослари фани ўқитувчилари тижорат банклари томонидан мутахассислар бириктирилди. Ҳозирга қадар 697 нафар битирувчининг тегишли меъёрий ҳужжатлари тижорат банкларига тақдим қилинди. 1 май ҳолатига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 103 нафари тижорат банкларидан 1,3 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлади. Эътиборли жиҳати, тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш ҳамда уларга тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини босқичма-босқич бериш ишлари Марказий банк вилоят бош бошқармаси билан биргаликда амалга оширилади.

Ушбу ўқув йилида олдинги йиллардаги битирувчилар, айниқса, қизлар бандлигини таъминлаш ва унинг тизимли мониторингини юритиш мақсадида 4 та йўналиш бўйича жорий йилда вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган 14203 нафар қизнинг ҳар бири билан индивидуал тарзда тизимли тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Кенг қамровли ишлар натижасида 4099 нафар қиз олий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирди. 7793 нафар қизнинг таълим муассасасини тугатгандан кейин аниқ иш ўринлари билан бандлиги таъминланиши белгиланди. 1021 нафар битирувчи эса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини маълум қилди. 1290 нафар битирувчи қизларнинг барқарор иш ўринлари билан таъминланиши бўйича тарғибот ишлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда.

Тикув машиналари, пайпоқ тўқиш дастгоҳлари, кондитер маҳсулотлари печларига бўлган эҳтиёжни аниқлаган ҳолда касаначилик асосида пайпоқ тўқиш, зардўзлик, каштачилик, патдўзлик, пишириқлар пишириш ишларига шароит яратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида таълим муассасаларида ташкил этилаётган ҳамширалик лавозимларига ишга йўналтириш ишлари режалаштирилган.

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқув таълим-тарбия жараёнини яхшилаш мақсадида вилоят прокуратураси ҳамда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги муассасаларда ўқувчиларни дарсга тўлиқ жалб этиш, таълим сифатини ошириш мақсадида «Давомат» мониторинг тизимини жорий этиш ҳақида»ги қарор ижросини таъминлаш яхши самара бераётир.

Мазкур тартиб вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларини дарсларга тўлиқ жалб этиш, улар орасида назоратсизлик, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир қилиниши, шунингдек, деструктив оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда таълим муассасалари, давлат идоралари ҳамда ота-оналарнинг ўзаро амалий ҳамкорлиги ва тезкор ахборот алмашинуви механизмини мустаҳкамлаш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорга асосан айни пайтда бошқарма тасарруфидаги 83 та таълим муассасасида мониторинг тизими тўлиқ ўрнатилди. Қолган 5 та таълим муассасасига ҳам ушбу тизим тезкорлик билан жорий этилмоқда.

Айтиш жоизки, юртимизнинг эртанги эгаларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этиши муқаррар.

Суҳбатни «Ishonch» мухбири Иззатулла ҲОЖИЕВ ёзиб олди.

Танлов

Ўз касбининг билимдони

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги корхона ва ташкилотларда ўтказиб келинаётган «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг ғолибларидан бири Хонзода Қурбоновадир.

Ташаббускор бу аёл 1998 йилдан буён Андижон вилоятидаги «Ўзавтосаноат» акционерлик компаниясига қарашли «ЎзДонгЯнгКо» қўшма корхонасида тикувчи бўлиб ишлаб келаётир. У ёш тикувчиларга замонавий иш усулларини ўргатиб, берилган режани вақтида бажариш, замон талаблари асосида автомобил ички ғилофларини стандартга мос ҳолда сифатли тикиш билан шуғулланади.

Х.Қурбонова чет элда ишлаб чиқарилган қиймати 313 580 АҚШ долларига тенг 46 дона «Жуки» тикув машинасини корхонага келтириб ўрнатиш, синаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишда ҳам катта ҳисса қўшиб, ёш кадрларга улар ёрдамида автомобилларнинг ғилофларини сифатли тикиш сирларини ўргатаётир. Опа тикув участкасига касб-ҳунар коллежларидан амалиёт учун келган ўқувчиларга белгиланган дастур асосида устозлик қилмоқда.

«Ўзавтосаноат» АК таркибига кирувчи корхоналар ўртасида «Ишчи-хизматчиларга хавфсиз меҳнат шароитлари, ишлаб чиқаришнинг юқори эстетикаси ва маданиятини таъминлаш» бўйича ўтказилган танловларда мунтазам қатнашиб, тикув участкаси 2008 йилда «Энг яхши цех» номинациясида 3-, 2009 йилда 1-ҳамда 2010 йилда «Энг яхши корхона» номинациясида 1-ўринни эгаллаши йўлида изчил фаоллик кўрсатди. Шу хизматлари эвазига Х.Қурбонова ўтган йили корхонада ўтказилган «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг «Энг яхши тикувчи» номинациясида 1-ўринга лойиқ топилди.

Шодия АЮПОВА, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташкилий ишлар бош мутахассиси

Гулчеҳранинг музейга туҳфаси

Сирдарёда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунига етди. Унда вилоятдаги турли соҳаларда фаолият юритаётган 100 дан ортиқ ёшлар қатнашди. 12 та номинация бўйича ғолиб деб топилган иқтидорли ёш мутахассислар республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлими етакчи юрисконсулти Дилшод Абдуқодиров тақдирлаш маросимида иштирок этиб, республикада, жумладан вилоятда танловни ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилганлигини эътироф этди.

Шундан сўнг танлов совриндорларига 1-, 2-, 3-даражали диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

«Энг фаол ёш ҳунарманд» номинацияси соҳиби Гулчеҳра Маматқулова сўзга чиқиб, тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдирди.

Гулчеҳра ҳозир 22 ёшда. У маҳаллий чиқинди хомашёлардан, қовоқ бўлакларидан ижод намуналари яратади. Ёш ҳунарманд 2009 йили Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган «Нафосатим бўстони» кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринга сазовор бўлди. 2012 йили «Ташаббус» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг ёш ҳунарманд» номинациясида ғолиб бўлиб, Франциянинг Виктор Гюго университетида таҳсил олиш ҳуқуқини берадиган йўлланма соҳибасига айланди. Гулчеҳра айни пайтда коллеж ўқувчиларига ҳунар сирларини ўргатмоқда.

У миннатдорлик рамзи сифатида маҳаллий чиқинди хомашёларидан ясалган «Сирен гулдастаси» номли ижод асарини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси музейига тақдим этди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Оқ йўл, иқтидор соҳиблари!

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтди. Шаҳар ва туманлардан танловда ғолиб бўлган 71 нафар иштирокчи орасидан 6 та номинация бўйича вилоят босқичи ғолиблари саралаб олинди.

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 1-даражали дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланган ғолиблар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритишди.

Кўрик-танловда иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганларга ҳамкор ташкилотларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Беҳзод ЖУМАЕВ, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси

Зукко ва изланувчан

Қашқадарё вилоятида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг ғолиб ва совриндорлари номи маълум бўлди.

1678 та корхона, ташкилот ва муассасада ўтказилган танловнинг биринчи босқичида 6350 нафар, шаҳар ва туман босқичида 1026 нафар, вилоят босқичида эса 100 нафардан ортиқ мутахассис иштирок этди.

Албатта, ҳар бир йўналишда вилоятнинг энг билимли, энг зукко ва изланувчан ёшлари жам бўлгани танлов давомида яққол кўзга ташланди.

«Энг фаол фермер», «Энг фаол ҳунарманд», «Энг фаол ёш тадбиркор», «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси», «Энг фаол ёш олим», «Энг фаол ёш алоқачи» каби ўндан зиёд номинациялар бўйича ғолиблар сараланди.

Ғолиб ва совриндорлар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармасининг қимматбаҳо совғалари ва дипломлари билан тақдирланди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Аҳолини сифатли тиббий текширувдан ўтказиш ва профилактик даволаш ишлари қишлоқлардаги врачлик пунктларида ҳам ташкил этилаяпти. Шундай тадбирлардан бири Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги Бошмоқ ҚВПда ўтказилди.

Эл соғлиғини ўйлаб

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳукуматимиз томонидан аҳоли саломатлигига жиддий эътибор берилиб, қишлоқларда ҳам замонавий тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилаётганлигини фахр билан айтиб ўтишди.

Шу куни ташкилотчилар томонидан икки нафар беморга ногиронлар аравачаси топширилди. Шунингдек, УТТ, ЭКГ, флюорография хизматлари ташкил қилиниб, окулист, лор, педиатр, гинеколог, терапевт, нейрожарроҳ каби пойтахтлик бир гуруҳ малакали шифокорлар аҳолини тиббий текширувдан ўтказишди. Сурункали ва юқумли касалликларни даволаш ҳамда олдини олиш юзасидан керакли маслаҳатлар берилди. Қишлоқ аҳлига зарурий дори воситалари бепул тарқатилди. Шунингдек, Ўзбекистон «Қизил ярим ой жамияти»нинг махсус эсдалик совғалари топширилди.

Улуғбек ҲАЛИЛОВ олган суратлар

Фермер ва замон

Умидбахш оппоқ тонг уфқдан бош кўтаради. Дераза ортидаги боғда булбул хониш қилади, шу лаҳзаларда кўнгил кўзгуси бахтдан ёришиб кетади. Соҳир хаёл аллақаёқларга етаклайди, лекин Инобатхон опанинг юмушлари кўп, қадрдон даласига бормаса бўлмайди. Эсини танибдики, тонг билан бирга уйғонади, қуёшни пайкалда қаршилайди.

ОПА

Лавҳа

Э-ҳе, бу кунларга етишнинг ўзи бўптими. Орадан дарёдек оқиб, қанча йиллар ўтди. Не-не қорлар ёғиб, излар босилмади, дейсиз. Замон-замонлар бўлиб, истиқлол шабадаси моҳир деҳқон Инобатхон Ҳасановани ҳам бағрига тегди. Турмуш ўртоғи Раҳимжон ака, фарзандлари Баҳром, Баҳодир, Баҳриддин, Иноят, Рисолат, Фазлиддин ва Муножот билан маслаҳатлашиб, Наманган туманининг Охунбобоев ММТП ҳудудида «Баркамол омад сари» фермер хўжалигига асос солди. Дастлаб, 4 гектар ерга ем-хашак экиб, 31 бош қорамол боқди. Кейинчалик ерини кенгайтириб, ғалла ва пахтага ҳам қўл урди. Айни пайтда хўжаликнинг умумий майдони 109 гектарни ташкил этади. Шунинг 44 гектарида ғалла, 65 гектарида эса пахта етиштириляпти. Жами 65 киши меҳнат қилиб, шу ердан рўзғор тебратаётир.

Хўжаликда бошланғич касаба уюшма қўмитаси тузилиб, меҳнат аҳли ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлайдиган жамоа шартномаси имзоланган.

— Ён-атрофга қарасам, шундай ташкилот тузишни шароитнинг ўзи тақозо этаётир, — дейди фермер. — Хўжалигимиз меҳнат аҳли ҳам йириккина жамоага айланган. Ишловчиларни йиғиб, касаба уюшма афзалликлари ҳақида билганимча тушунча бердим. Уларнинг ҳам ичида гап тўлиб кетган экан. Биров у деди, биров бу. Хуллас, касаба уюшма фаоллари иштирокида бошланғич ташкилотимизни тузиб олдик. Тўғри қилган эканмиз, ишимиз ўз-ўзидан тартибга тушиб қолди. Ишчи-ходимларни рағбатлантириш, саломатлигини тиклаш, меҳнатдан сўнг маданий дам олдириш, муқаддас қадамжоларга зиёратга олиб бориш ишлари намунали ташкил этилмоқда.

Инсоннинг маънавий дунёси тор бўлса, англашилмовчиликлар ва муаммолари кўпайиб бораверади. Шу боис ҳам ишчи-ходимлар сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашишда касаба уюшма тизимида ибратли ишлар амалга оширилаётир. Иш берувчи сифатида Инобатхон опа бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Фахриддин Ҳасанов билан ҳамкорликда Маънавият соатлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратаётир. Ҳар ойда мунтазам равишда уюштирилаётган бундай тадбирларга пухта тайёргарлик кўрган сиёсий шарҳловчилар, ҳуқуқшунослар, олимлар таклиф этилмоқда.

Хўжаликда моддий таъминот биринчи ўринда. Бош ижтимоий ҳимоя — иш ҳақи ўз вақтида бериляпти. Бундан ташқари, ишчилар полизда етиштирилаётган маҳсулотлардан ҳам баҳраманд. Масалан, ҳар бир ишловчи 50-100 кг. дан картошка, 100-300 кг. дан буғдой, сомон олмоқда. Айтганча, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ҳам мурувват кўрсатилаётир. Улуғ айём кунлари мазкур хўжаликда ишлаб, нафақага чиққан фахрийлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, имкон қадар моддий кўмак берилаётир. Сиҳатгоҳларга йўлланмалар, ёзги таътил мавсумида соғломлаштириш оромгоҳларига фарзандлари учун йўлланмалар олиб, ишчи аҳли мамнун бўлаётир. Маблағ қисман фермер хўжалиги ҳисобидан қопланмоқда. Шунингдек, аъзоларга бепул икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. Барча озиқ-овқат маҳсулотлари фермер хўжалигининг алоҳида экин майдонида етиштириляпти.

— Ишимиз кўпайгани сайин ёрдамчи кучга эҳтиёж сезяпмиз, — деди И.Ҳасанова. — Шундан келиб чиқиб, «Устоз-шогирд» тизими асосида коллеж битирувчиларидан 6 нафарини ишга жалб этдик, ҳадемай улар ҳам илғорлар сафидан ўрин олади.

Иш дегани қайнаб ётибди. 44 гектар майдондаги буғдой етилган, 65 гектардаги ғўза ниҳолларига ишлов берилиб, оби-ҳаёт таралмоқда. Бу юмушларни адо этишда Толибжон Акбаров, Баҳриддин Ҳасанов, Абдусалом Даминов, Баҳодир Сотволдиев, Санобар Ҳасанова, Нилуфар Холбоева ва Рисолат Низомиддинова сингари ишчиларнинг хизмати катта бўлаётир.

Инобатхон опа кунниг қандай ўтганини сезмайди. Борлиққа оқшом қуюлгандагина уйига қайтади. 21 нафар набира, бир чеваранинг бувижониси. Сурурбахш лаҳзаларда опа дунёни унутади. Заҳматли меҳнатдан сўнгги чарчоқ бир зумда тарқайди, болалар оламида гўё ўзи ҳам болага айланади.

Хонадони осойишта, фаровон. Етти ўғил-қизнинг бари ота-оналари каби ўзларидан тинган, эл-юрт хизматига камарбаста. «Шамсиқўл» маҳалласи аҳли Ҳасановлар оиласи аъзоларини беҳад ҳурмат қилади. Яхши-ёмон кунлар уларсиз ўтмайди. Тўйларнинг бошида Инобатхон опа туради...

Азиза АҲМАДЕЕВА, журналист

Олам ва одам

Trend нашрининг хабар беришича, Эрон пойтахти Теҳронда содир бўлган қум бўрони оқибатида 5 киши ҳалок бўлди.

Қум бўрони

Мамлакат фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташкилоти сешанба куни маҳаллий вақт билан 20:00 да беш кишининг ўлими ва 44 нафар жароҳатланганлар ҳақидаги хабарни тарқатган. Мазкур ҳудудда шамол тезлиги соатига 110 километргача етган.

Японияда дунёдаги энг юқори сифатли «4К» форматидаги доимий телевизион эфир узатила бошланди.

Тиниб-тинчимаган японлар

Ҳозирча ушбу эфирни фақатгина марказий техника дўконларида кўриш мумкин. Сабаби ушбу форматдаги сигнални қабул қилувчи ТВ-тюнерлар ҳали сотувга чиқмаган. Маълумотларга кўра, ушбу тюнерлар июн ойи охирида сотувга чиқиши кутилмоқда.

«4К» форматидаги тасвир узатилиши ҳозиргача энг юқори сифатли бўлган full high definition кўринишни кўрсатчикларини 4 баробар ортда қолдиради.

Япония ҳукумати «4К» форматидаги трансляция қилувчи ва ушбу технологияда электротехника ишлаб чиқарувчи компанияларга ёрдам бермоқда. Ҳозирча «4К» форматидаги эфир 13:00 дан 19:00 гача вақт оралиғида намойиш этилмоқда. Бу харидорлар эътиборини тортиш ҳамда «4К» форматини қабул қила олувчи телевизор ва антенналарни кўпайтириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Режага кўра, «4К» форматида тўлиқ эфирга узатиш ишлари 2016 йилдан бошланиши керак.

Чилида музликлар орасида динозавр мурдаларидан иборат йирик қабристон топилди. Бу ҳақда Табиат тарихи миллий музейи олими Кристиан Саласар маълум қилди, дея хабар берди «ИТАР-ТАСС».

Динозаврлар қабристони

Топилма мамлакат жанубидаги «Торрес-дел-Пайне» миллий боғи ҳудудида аниқланди. У ерда 46 нусхадаги ихтиозаврлар топилган бўлиб, уларнинг қолдиқлари яхши сақланган. «Улардан бири иккита эмбрионга эга, бу эса топилмаларнинг ўта ноёб эканидан далолат беради», — дейди Саласар.

Мазкур ихтиозаврлар мозори бугунгача маълум бўлганлари орасида энг катталаридан бири эканлиги таъкидланмоқда.

Ихтиозаврлар — динозаврлар давридаги энг йирик денгиз судралиб юрувчилари. Улар бундан тахминан 99 миллион йил аввал қирилиб кетган.

Шу йилнинг 1 июнида машҳур океанограф Жак-Ив Кустонинг набираси Фабьен Кусто ўз жамоаси билан ноодатий тадқиқот бошлади.

Бобосининг набираси

«Misson 31» номли сув остига ғарқ бўлиш операцияси 31 кун давом этади. Шу тариқа, у бувасининг сув остида амалга оширилган тадқиқотлар бўйича муддат рекордини янгилайди.

Кусто ва унинг жамоаси тўлиқ бир ой давомида Aquarius Reef Base сув ости комплексида яшашади. У Флорида Кис архипилагида сув сатҳидан 19 метр чуқурликда жойлашган. Акванавтлар янги технологиялардан фойдаланиб кўради, иқлим ўзгаришининг маржонларга таъсири ва сув ости ҳаётининг янги шаклларини ўрганишади.

Акванавтлар кунига 6 дан 9 соатгача вақтини океан ҳаётини ўрганишга сарфлашади. Тадқиқот жараёни омма учун тўғридан-тўғри эфирда намойиш этилади.

Интернет хабарлари асосида Аширбек СУЯРОВ тайёрлади

Акс-садо

Президентимиз Ислом Каримовнинг Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида билдирган фикрлари, илмий жиҳатдан асосланган концепциялари кўп қатори мени ҳам ниҳоятда ҳаяжонга солди.

Улуғбек шарбат ичган коса



Узоқ ўтмиш билан бугунни боғлаб турган буюклар шаънига айтилган самимий сўзлар қадим меросни тадқиқ қилишда эски қолипларни қўлламаслик, янги методологиялар устида ишлаш зарурлиги ҳақида ўйга толдирди. Илмий режалар тузиш, уларни амалга оширишда дастуруламал бўлиб қоладиган мазкур маърузанинг биргина жиҳатини қаламга олиб, уни баҳоли қудрат таърифлаб, ўзимиз кўрган, ўрганган илмий объект мисолида фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашиш фикри туғилди.

Аждодларимиз яратган асарлар Европа ва Осиё мамлакатлари кутубхоналарининг «Олтин фонди»ни ташкил этиши Самарқандда фахр билан тилга олинганида ўзга юртларда сақланаётган, чунончи, Буюк Британиянинг кутубхона ва музейларида Соҳибқирон Амир Темур ва мутафаккир Алишер Навоий, буюк шифокор Абу Али ибн Сино ва Ҳазрати имом Бухорий каби алломалар яратган асарларнинг ноёб нусхалари ҳақида ҳикоя қилиш истаги пайдо бўлди.

Британия музейининг энг катта бойлигидан бири — Мирзо Улуғбекнинг нефритдан ишланган косасини кўриб, ҳайрат билан уни ракурсда суратга туширган, бу кўркам экспонат билан боғлиқ бўлган манбааларни ўрганганларим яна кўз ўнгимда намоён бўлди.

Овал шаклдаги, ихчам бу косанинг баландлиги 5 сантиметр, узунлиги — 15. Зайтун — қўкимтир-сариқ рангда. Кўриниши ниҳоятда хушбичим, кўркам бу косанинг ажойиб ҳосияти бўлиб, зилзиладан, чақмоқдан сақлаши ҳақида ёзилган. Айтишларича, бу чиройли косага заҳар томчиси тушса, у дарҳол парчаланиб кетиши маълум бўлган. Демак, шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек бу косадаги зилол сув, шарбат ва бошқа суюқликларни, таомни бамайлихотир тановул қилаверган. Араб алифбосида «Улуғбек Тарағай», турк тилида «Тангрининг меҳри (марҳамати) чексиздир» ёзувлари ҳуснихат талаблари даражасида ўйиб ёзилган.

Муҳташам ёзувлар шакл ва мазмун жиҳатдан нафис санъат асари бўлиб, мусулмон ренессансининг кўркам кўринишларидан бири сифатида эътироф этилади. Косанинг банди ва оёқларини идиш тагига тираб турган, оғзи ва олдинги оёқлари билан косанинг тепа қисмини маҳкам ушлаган аждаҳо кўриниши кишини лол қолдиради.

Лондонга ташриф буюрганларнинг шаҳар марказидаги кўмкўк боғда қад кўтариб турган архитектура комплексида Мирзо Улуғбек тасвирига ҳам кўзлари тушади, албатта. Соҳибқирон Амир Темурнинг севимли набираси жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган алломалар орасида тасвирланган. Машҳур Оксфорд университети томонидан ўзбек олими тузган юлдузлар жадвали XVII асрда лотин тилига таржима қилингани ҳам бежиз эмас. Англиянинг бу таълим марказида Мирзо Улуғбекнинг номи Ойдаги кратерлардан бирига берилганидан мамнун эканликларини неча қайта эшитганимиз ҳам бор ҳақиқат.

Президентимизнинг Самарқанд халқаро анжуманидаги қизиқарли, илмий жиҳатдан теран маърузаларида илмий фаолиятимиз концепцияси белгилаб берилганини миннатдорчилик билан таъкидлаган ҳолда, маданий, илмий меросимизнинг янги палласига асос қўйилганини таъкидлашни истардим. Бу жараён узоқ ўтмиш XXI асрнинг юксак чўққисидан ўрганилишига, жамиятимизда янги ижтимоий-сиёсий муносабатлар қарор топиб, илм-фан, бадиий ижод ва таълим-тарбия соҳаларида соғлом муҳит шакллланаётган шароитда янги методологиялар қўлланилиб ёзиладиган кўпжилдли фундаментал асарларга ажойиб бир туртки бўлишига ишончимиз комил. Ўтмишни, донишманд юртдошларимиз қолдирган бой меросни ўргансак, маҳобатли манзара пайдо бўлади. Шу кўркам манзарани синчиклаб — микроскоп ёрдамида таҳлил қилсак, жаҳонга маълум дурдоналарнинг янги, ҳали ўрганилмаган хусусиятлари, фазилатлари, хосияти кўзга ташланади. Мирзо Улуғбекнинг косаси асрлар оша бизга етиб келиб коммуникацион, бадиий-эстетик вазифани бажариш билан бирга, халқимизнинг эстетик идеали, гўзаллик ҳақидаги тушунчаси ҳамиша теран бўлганидан ҳам дарак беради.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг жўшқин сўзлари бизни узоқ ўтмишга яқинлаштириб, нефрит косадан чашма сувини ичгандек бўлдик.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
профессор

Спорт оламида

Теннис

Бухоро шаҳрида теннис бўйича ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз ракетка усталари яккалик ва жуфтлик мусобақаларида ғолибликка эришди.

ОҚГУЛ ВА САБИНА — ШОҲСУПАДА

Яккалик баҳсларининг ҳал қилувчи финал учрашувида украиналик Вероника Капшайни икки сет якунига кўра 6:3, 7:5 ҳисобида мағлуб этган ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова бош совринни қўлга киритди.

Оқгул жуфтликлар мусобақасида ҳам шериги Нигина Абдураимова (Ўзбекистон) билан финалга қадар етиб келди. Бироқ, ҳал қилувчи баҳсда Сабина Шарипова (Ўзбекистон) ва Вероника Капшай (Украина) дуэтининг қўли баланд келди.

Шу тариқа Бухоро шаҳри кортларида ўтказилган халқаро турнирда Оқгул Омонмуродова яккалик, Сабина Шарипова эса жуфтлик мусобақаларида шоҳсупага кўтарилишди.

Спорт гимнастикаси

Терма жамоамиз аъзоси Елена Рега Португалиянинг Анади шаҳрида ўтказилган Жаҳон чақирув кубоги босқичида совриндорлар сафидан ўрин олди.

ҲАМЮРТИМИЗ — СОВРИНДОР

16 ёшли Елена эркин машқларда 12, 525 балл жамғариб, бронза медали соҳибасига айланди. Мазкур мусобақада олтин медал мезбон гимнастикачи Ана Филипа Мартинс (12,875)га насиб этди. Австриялик Ясмин Мадер (12,575) кумуш медал совриндори бўлди.

Дзюдо

Австриянинг Лейбниц шаҳрида дзюдо бўйича 1994-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Европа кубоги баҳслари ўтказилди.

УЧИНЧИ ЎРИН

Мазкур мусобақада терма жамоамиз аъзоси Сухроб Турсунов (-66 кг.) қизғин кечган мусобақалар якунларига кўра бронза медалини қўлга киритди.

Умидли спортчимиз саралаш баҳсларида словениялик Янус Зидан Ник, италиялик Маттео Медвес ва полшалик Виктор Мравчинскини енгиб, россиялик Александр Кучинковскийга имкониятни бой берди.

Шундан сўнг, ўтиш мусобақалари орқали учинчи ўрин учун курашни давом эттирган Сухроб Турсунов Тори Теншо (Япония), Биачио Стефанелли (Италия) ва Марк Винсентани (Белгия) мағлуб этиб, шоҳсупанинг учинчи ўрнига кўтарилди.

Шахмат

Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) томонидан етакчи шахмат усталарининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ

Унга кўра, эркаклар ўртасида норвегиялик Магнус Карлсен ҳамон пешқадамлик қилаётган бўлса, хотин-қизлар орасида Юдит Полгар (Венгрия) жадвални бошқариб бормоқда.

Қуйида Ўзбекистон шахмат усталарининг кучли ўнталиги билан танишасиз:

Эркаклар: Рустам Қосимжонов — 2700, Антон Филиппов — 2615, Марат Жумаев — 2510, Андрей Квон — 2500, Алексей Барсов — 2493, Михаил Салтаев — 2483, Жаҳонгир Воҳидов — 2471, Жўрабек Ҳамроқулов — 2438, Владимир Егин — 2395, Дмитрий Каюмов – 2389.

Хотин-қизлар: Нафиса Мўминова — 2332, Сарвиноз Қурбонбоева — 2231, Нодира Нодиржонова — 2157, Ирина Геворгян — 2141, Ҳулкар Тоҳиржонова — 2135, Севара Боймуродова — 2127, Гулруҳбегим Тоҳиржонова — 2110, Юлдуз Ҳамроқулова — 2106, Олга Собирова — 2099, Моҳинур Қаҳрамонова — 2044.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Сирғали туман кенгаши ҳамда туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида Соғлом бола йили, шунингдек, «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» муносабати билан кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирини ташкил этди.

МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ

Унда тизимдаги корхона ва ташкилот ходимлари фарзандлари иштирок этди.

Мусобақа тумандаги 11-БЎСМда байрамона ташкил этилди. Ёш полвонлар 54, 48, 44 кг. вазн тоифаларида гиламга чиқишди.

Якунда иштирокчилар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ш. ШАМШИЕВА,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Сирғали туман кенгаши раиси

Болаларга беринг дунёни

Саломатлик — фаровон ҳаёт таянчи. Унга эришишнинг йўллари кўп. Улардан бири жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланишдир.

«Локомотив» Марказий жисмоний спорт клуби ва унинг темирйўл узелларидаги филиалларида яратилган шароитлар туфайли турли тўгарак ва соғломлаштириш гуруҳларида 1578 нафар ишчи-ходим мунтазам шуғулланмоқда.

САЛОМАТЛИК – БИРИНЧИ ШАРТ

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАКда болалар спортини ривожлантириш, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бокс, юнон-рум кураши, футбол, ўзбек жанг санъати, теннис тўгаракларида 1300 дан зиёд бола маҳорат сирларини эгалламоқда.

«Локомотив» МЖСКда юнон-рум кураши бўйича 2000-2003 йилларда туғилган ҳаваскорлар ўртасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ташкил этилган мусобақада беш (29, 32, 35, 38, 42) вазн тоифасида ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

А. ГУЛЯМОВ,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши бўлим мудири

Ифтихор

Норин туманидаги 26-БЎСМ стадионида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 1969 нафар қизга миллий ва замонавий услублар асосида тайёрланган спорт кийимлари топширилди.

БУ КИЙИМ ҲАММАГА ЯРАШАДИ

Тадбирда иштирок этган туман ҳокими А.Султонов юртимизда спортга, хусусан, болалар спортини ривожлантириш, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб камол топишларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Ҳудудимизда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 3000 нафарга яқин қизлар спорт билан шуғулланади, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими вакили Ғаффор Маҳмудов. — Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик бугун ўз натижасини бермоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган жамғарма ва унинг маблағлари ҳисобидан кейинги йилларда қад ростлаган, замонавий спорт иншоотлари, мусиқа ва санъат мактаблари, уларни зарур жиҳозлар билан бекамукўст таъминланаётгани ёш иқтидор эгаларининг истеъдодларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Ташаббус

Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институтида агросаноат тизимидаги корхона ходимлари ўртасида мини футбол мусобақалари ташкил этилди. Тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган беллашувда ОАТБ «Агробанк» вилоят бошқармаси «чарм тўп» усталари биринчи ўринни қўлга киритди.

МАҲОРАТ СИНОВИ

Шунингдек, еттита номинация бўйича ғолиблар аниқланди. «Энг маҳоратли футболчи», «Энг яхши гол муаллифи» номинацияларига ОАТБ «Агробанк» ходимлари Миржалол Оқбўтаев ва Жалол Хўжаев эга чиқди. «Энг маҳоратли мураббий» мақоми Олимпия захиралари тайёрлаш маркази ходими Фаррух Каримовга насиб этди.

Ўз мухбиримиз

Маънавият

2-синфни аъло баҳоларга тугатганим учун «Сўнгги қўнғироқ» тадбирида мактабимиз директори улуғ адиб Ойбекнинг «Навоий» романини ҳадя қилганди. Шу кун ҳаётимда энг қувончли кун бўлиб қолди ва илк бор бадиий китоб билан дўстлашув онларини бошлаб берди.

Китоб — энг яхши совға

Китобни бағримга босганимча барча яқинларимга мақтаниб чиқдим. Тўғри, уйимизда китоблар кўп эди, лекин ҳали уларга «тишим» ўтмасди. Қариндошларимиздан бири: «Катта китобни қачон ўқиб чиқардинг, тушуна олармидинг, яхшиси, менга бер», деганида уни янада қаттиқроқ бағримга босиб: «Албатта, ўқийман, мана кўрасиз, ўқиб сизга айтиб бераман», дедим.

Айтганимни бажардим, илк бор Ойбек исмли адиб борлигини, Навоий даҳосини ўз болалик тасаввурларим ила кашф этдим.

Таътил тамом бўлганидан сўнг мактаб кутубхонасига биринчилардан аъзо бўлдим ва кутубхоначидан: «Ойбекнинг китобларини беринг», деб илтимос қилдим. Чунки билганим, таниганим, ўзимча кашф қилганим фақат шу адиб эди. Кейинчалик китоб дўконларидан ҳам бадиий асарлар ахтарадиган бўлдим. 4-синфда ўқиётганимда эса F.Ғулом, А.Қаҳҳор, Шуҳрат, Р.Файзий каби адибларнинг асарларини мутолаа қилиб олам-олам таассуротлар олдим.

Айнан 4-синфни тамомлаётганимизда яна мактаб директори кўпчилигимизга китоб совға қилди. Бу гал менга Т.Драйзернинг «Бахтиқаро Керри» романи тегди. Ушбу асар мени бутунлай бошқа муҳит ва нотаниш воқеликлар сари етаклади. Кўз олдимда янги олам юз очгандек бўлди гўё. Шундан сўнг, ўз адибларимиз асарлари қатори чет эл адабиётини ҳам қизиқиб ўқий бошладим.

Бу воқеаларни беҳуда қаламга олганим йўқ. Ёшларни китобхонликка жалб қилиш учун биз катталар изланишимиз, йўлини топишимиз лозим. Бугунги кунда байрамларду, тадбирлар жуда кўп. Баъзан ўқувчиларга, талабаларга совға-салом улашамиз. Ширинлик, чинни идишлар ёхуд бошқа нарсалар ҳадя қилинади. Аслида, энг яхши совға китоб эмасми?!

— Китобдан яхши совға йўқ оламда, — дейди Қатағон қишлоғида истиқомат қилувчи Қадамбой Ортиқов. — Шахсан мен болалигимда олган совғаларим ичида энг қадрлиси ва абадий сақлангани китоб бўлиб қолди.

Инсон дунёқараши, тафаккур олами ўқиш, изланиш билан кенгаяди. Ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишда, билим чўққиларини эгаллаш, маънавий оламни бойитишда китобдан яхши ҳамкор ва дўст йўқдир. У энг оғир кунларда далда бера олади, юпатади, қалбни бойитади ва безайди.

Яқинда жамоат ташкилотларидан бири тадбир ва мусобақа уюштирди. Ғолибларга эса гулдон ҳадя қилинди.

Баъзан телекўрсатувларда ҳам болажонларга турли хил ширинлик ёки буюм берилганини кўрамиз ва дилимиздан бир фикр ўтади: Шундай пайтда наҳотки китоб совға қилиш мумкин эмас?

Бобокалонимиз, буюк соҳибқирон Амир Темур китобга шундай таъриф беради: «Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақлидрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир».

Миллий давлатчилигимиз асосчиларидан бири, улуғ саркарда, шон-шуҳрат эгасининг ушбу эътирофи бекорга эмас. Буюклардан ўрнак олиш, яхши амалларни бажариш бизнинг бурчимиз. Бу ишларда, ўз ўрнимизни топишимизда ҳақиқий дўст, ҳамкоримизнинг хизмати беқиёсдир.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,
Хоразм вилояти

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Э. Исмоилов номли 37-умумий ўрта мактаб томонидан 1984 йилда туғилган Мусурмонова Дилноза Холматовна номига 2001 йилда ўрта маълумот тўғрисида берилган № 0981413 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 148-умумий ўрта мактаб томонидан 1990 йилда туғилган Нуриддинова Феруза Муҳаммадиевна номига 2005 йилда мактабни битирганлиги тўғрисида берилган № 2276244 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгаши жамоаси Ипакчилик илмий-тадқиқот институти касаба уюшмаси қўмитаси раиси Баҳодир Соиповга опаси **Лутфия ИСМОИЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti -21.00
Topshirildi - 21,55

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 618 | 20543 nusxada bosildi | 1 2 3 4